ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ ОДИЛ РАХМАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 1-278.096

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата диссертации (DSc) доктора наук Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Мусаев Одил Рахматович Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари	. 3
Мусаев Одил Рахматович Социально-философские особенности развития межнациональных отношений в Узбекистане	27
Musaev Odil Raxmatovich Cosial-philosophical peculiarity progress of national relations in Uzbekistan	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	. 56

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВ ОДИЛ РАХМАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 17.06.2017/B2017.1.DSc/Fa.12. рақам билан руйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa@nuu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи: Тўйчиев Бердикул Тўракулович

фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Саифназаров Исмоил Саифназарович фалсафа фанлари доктори, профессор

Хакимов Назар Хакимович фалсафа фанлари доктори, профессор

Хайдаров Хуррам Фармонович фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жахон иктисодиёти ва дипломатия Университети

Диссертация	химояси	Ўзбекистон	Миллий	университети	хузуридаги
DSc.27.06.2017.F.0	1.05 рақамли	Илмий кенгал	шнинг 2017	йил «»	куни
соат даги м	ажлисида бўл	иб ўтади. (Ман	ізил: 100174,	Тошкент шахри,	Университет
кўчаси, 4-уй. Ўзбе	кистон Милли	ий университет	и Ижтимоий	фанлар факульте	ги биноси, 1-
қават, 117 хона. Тел	ı.: (99871) 227	-12-24; факс: (9	9871) 246-53	-21, (99871) 246-0	2-24; e
mail: nauka@nuu.uz	<u>z</u>)				
Фан доктори	(DSc) диссе	ртацияси била	н Ўзбекисто	н Миллий унив	ерситетининг
Ахборот-ресурс м	арказида тан	ишиш мумкин	ı. (рақ	ам билан рўйха	гга олинган)
(Манзил: 100174, 7	Гошкент шахр	и, Университет	кўчаси, 4-уй	і. ЎзМУ Маъмурі	ий биноси, 2-
қават, 4-хона. Тел:	(99871) 236-46	5-55; факс: (998'	71) 246-02-24	·).	

Диссертация а	вторефе	ерати 2017 йил	куни тарқатилди.
(2017 йил «	>>	даги	рақамли реестр баѐнномаси)

Р.М.Баходиров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

О.Д.Нишанова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

М.Т.Жакбаров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

4

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун дунедаги давлатларнинг 90 фоиздан ортиғи полиэтникдир. Полиэтниклик мультикультурализмни шакллантириши билан бирга миллатлараро муносабатларда зиддиятли холатларни келтириб чиқармоқда. Франциядаги Корсика, Испаниядаги Каталония, Англиядаги Ольстер, Италиядаги Жанубий Тиролия, Бельгиядаги Фламандия, Хитойдаги Уйғур автоном тумани ва Тибет, Болгариядаги турклар, Туркиядаги курдлар, Украинада Донецк хамда Луганск муаммолари жамиятнинг этник асосда бўлинишига ва давлатларда сепаратизмнинг кучайишига сабаб бўлаетгани мисолдир. Шу боис дунеда кечаетган глобаллашув ва интеграция жараенларини, полиэтник жамиятлардаги социал вазиятларни, миллатлараро масалаларини ижтимоий-фалсафий тотувликни мустахкамлаш назардан ўрганиш долзарб ахамият касб этмокда.

Мустакиллик йилларида кўпмиллатли Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чикилди. Хусусан, Республика байналмилал маданият маркази (1992), Республика миллий ғоя ва мафкура маркази (1996), Республика Маънавият тарғибот маркази (1998), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кошида Миллий маданиятларни ривожлантириш бўйича координацион кенгаш (1997), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар бўйича кўмита (2017) тузилди. Ўзбекистон Марказий Осиедаги республикалар халқлари ва этник гурухлари билан қардошлик алоқаларини мустахкамлаш учун «Туркистон – умумий уйимиз» дастурини ишлаб чикди ва уни амалга ошириш учун Тошкентда Марказий Осие маданияти Ассамблеяси ташкил Ўзбекистон, (1996).Алматила Козоғистон, республикалари ўртасида «Абадий дўстлик» шартномаси (1998) имзоланди.

Бу мамлакатимизда яшовчи барча миллат вакилларига ўз миллий урф одатлари, тили, маданияти, қадриятларини тиклаш, ўз тарихий ватанлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди.

Дуненинг демократик давлатлари қонунларида турли миллат ҳамда элат вакилларининг бир хил хукук ва эркинликларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шунинг учун миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, миллат вакиллари ўзаро хамкорлигини мустахкамлашда давлат турли хокимияти ва бошкарув органлари, фукаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини жумладан, жамоат ва маънавиятини ривожлантириш, фукароларнинг янада юксалтириш. полиэтниклик шароитида миллатлараро тотувликни таъминлаш муаммоларини тадкик этиш фалсафа фанининг энг мухим масалаларидан Кўпмиллатли **Узбекистонда** миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, миллатлараро зиддият ва ихтилофларни консенсус асосида хал этиш, турли миллат вакилларининг манфаат ва эхтиежларини чукур тахлил қилиш хамда мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топиш талаб этилмокда.

5

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотлари тўгрисида»ги, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фукаролиги тўгрисида»ги, 1994 йил 5 майдаги «Фукароларнинг сайлов хукуклари кафолатлари тўгрисида» ги, 1995 йил 21 декабрдаги «Давлат тили тўгрисида»ги (Янги тахрир), 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўгрисида»ги, 1999 йил 14 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (Янги тахрир) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ва 2017 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини йил ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисида»ги фармонлари хамда мавзуга оид бошка норматив-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат килади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. «Жамиятни ислох этиш ва модернизациялаш жараенида миллий, адабий, тарихий ва диний қадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадкикотлар шархи¹. Полиэтник жамиятларда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадкикотлар жахоннинг етакчи илмий марказлари ва

олий таълим муассасалари, жумладан, The George Washington University, Centre of scientific inestigation of Central Asia (AKIII), Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (Германия), Centre International investergate of Oxford Unversity, School of Culture, religions and politicy in Asia (Буюк Британия), University of Wester Ontario (Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relation (Швеция), Institute of International Policy Studies (Япония), Центр исследований национальных и федеративных отношений Академии госслужбы при Проект А.Дугина Президенте РΦ, «Евразия» (Россия), Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тарих университетида (Ўзбекистон) институти, **Узбекистон** Миллий борилмокда.

Дунеда этномуносабатлар, этнозиддиятлар, этноплюрализм, ижтимоий тафаккурга оид тадкикотлар натижасида катор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: «этнос» ва «миллат» тушунчаларининг методологик

¹https://www.gwu.edu, http://www.hsfk.de, https://uzbekistan.fr/en/uzbekistan-france, www.ucentralasia.org, www.nti.org, https://www.auca.kg, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk, nirc.nanzan u.ac.jp/en/publications, https://ru.wikipedia.orghttps://ru. www.wikipedia.orghttps://ru.rags.ru, https://ru.dugin.ru, www.useoul.edu, www.dba.uz, www.uzhistory.uz, www.nuu.uz.

асосларига оид примордиалистик, инструменталистик ва конструктивистик концепциялар яратилган (Institute Gelap for publisher disput, American Association investigate publish dispute, АҚШ); Марказий Осие халқларининг этномаданий, этносоциал ва миллатлараро муносабатларининг диахрон ва синхрон алокалари илмий асосланган (Institute of Central Asia, Франция, Centre of scientific inestigation of Central Asia, АҚШ); Марказий Осие ва Кавказ худудидаги иктисодий, маданий ва миллий жараенларнинг холати, социодинамикаси, миллий давлатлар ва этнослар интеграцияси, ассимляция ва локал муаммолари очиб берилган (Centre of scientific inestigation of Central University of Wester Ontario, Канада); **У**збекистонда Asia, АҚШ; боскичлари ва уларнинг миллатлараро муносабатларга модернизация таъсири илмий жихатдан асосланган (Centre of Scientific investigation of Civil Германия): Ўрта Осиèдаги Society, сиѐсий жараѐнлар, муносабатларнинг динамик хусусиятлари очиб берилган (Centre International investergate of Oxford Unversity, Буюк Британия); Евросие худудида миллий давлатларнинг ўзаро хамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустахкамлаш объектив конуният эканлиги асосланган (Центр исследований национальных и федеративных отношений Академии госслужбы при Президенте РФ, «Евразия», Россия); **У**збекистонда А.Дугина миллатлараро муносабатларни ўрганишга қаратилган тарихий, этнологик, этномаданий, этнодемографик жихатлар ишлаб чикилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тарих институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунѐда миллатлараро тотувликни таъминлаш ва ривожлантириш

бўйича жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: этномуносабатлар генезиси, эволюцияси ва трансформацияси; этномаданий жараенларнинг геосиесат ва миллатлараро муносабатларга таъсири; кўпмиллатли жамиятларда миллатлараро таъминлаш муаммолари; глобаллашув тотувликни унинг ЭТНИК жараенларга таъсири, этнозиддиятлар генезиси ва классификацияси.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари², мамлакатимиз ҳаѐтининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиѐевнинг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантиришга оид концептуал ғоялари³тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Бугун миллатлараро муносабатлар ва этник масалаларни ўрганган файласуф олимларнинг тадқиқотларини қуйидагича тавсифлаш мумкин: миллатлараро муносабатларнинг генезиси, эволюцияси ҳамда тарихий-

Тошкент: Узбекистон, 2017. -104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курамиз. –Тошкент: Узбекистон, 2017. -488 б.

7

маданий парадигма сифатида шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари Ж.Бахронов, А.Бегматов, Б.Каримов, Ш.Зокиров, Б.Иминов, А.Пўлатов, С.Отамуродов, А.Очилдиев, Ш.Саматов, А.Муминов, Т.Жураев, Б.Сидиков, К.Хоназаров, М.Х.Ганиева, Н.Маманазаров, Б.Туйчиев, 3. Кодирова, Ў. Абилов, И. Эргашев асарларида еритилган⁴. Ж. Бахранов этник масалалар, миллий ўзликни англаш, миллат ва шахс ўртасидаги диалектик алоқаларни⁵, Б.Каримов этник ва этнолингвистик концепцияларда миллат ва бағрикенглик назариясини⁶, муаммоларининг Ойкуменик Ш.Зокиров муносабатларнинг регионал хусусиятларини⁷, Б.Иминов миллатлараро муносабатларда манфаатларнинг ўрни, уларни уйғунлаштириш омилларини⁸, республикаларидаги Осиѐ миллий-социал А.Пўлатов Марказий (этоносоциал) алоқалар динамикасини⁹, С.Отамуродов миллий-маънавий тараққиет, глобаллашувнинг этномаданий ҳает билан боғлиқ жиҳатларини¹⁰, А.Очилдиев миллий гоя ва миллатлараро муносабатлардаги маданият, онг, ижтимоий ҳаѐтдаги ўзгаришларни¹¹, Б.Сидиков Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги этносоциал ва этномаданий хамкорлик, дўстлик, интеграция муаммоларини¹², Қ.Хоназаров эса миллий тил ва билингвизм муаммосини¹³ ўрганган. Мазкур тадқиқотчилар Ўзбекистонда титул миллат ва бошқа миллат, элатлар вакиллари билан ҳамкорлик янги этносиесий парадигманинг имманент хусусияти эканини очиб берганлар.

Мавзу бўйича социологлар (М.Х.Ганиева, М.Бекмуродов, Ў.Қаюмов), сиѐсатшунослар (Р.З.Жумаев, И.Жўраев, С.Жўраев. Т.Жўраев.

^{- &}lt;sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. Т. 1-24. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993–2016.

³ Мирзиѐев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиѐти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шаҳсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.; Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.

Н.Маманазаров. А.Мўминов, В.Қўчқаров, А.Кўжагелдиев), жамиятшунослар (А.Ата-Мирзаев, Р.А.Убайдуллаева, А.Т.Бобохонова. Н.Задержавей, В.Гентшке, Р.Муртазаева, С.Губаева, Г.Хидоятов, Х.Юнусова, С.Сафаев, Й.Расанаягам, А.Г.Осипов, Қ.Ирназаров) ҳам илмий изланишлар олиб борганлар¹⁴.

Тадқиқотларда илгари сурилган ғоя ва хулосалар файласуфлар асарларидаги фундаментал қарашлардан кескин фарқ қилмайди, балки уларни айрим, ўз йўналишига оид мисоллар билан тўлдиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот

ишлари режасининг «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш назарияси ва амалиѐти» ҳамда «Полиэтник давлатларда миллатлараро муносабатлар масаласи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадкикотнинг максади Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини очиб бериш ҳамда полиэтниклик шароитида миллатлараро тотувликни таъминлаш, полиэтник жамиятларда ижтимоий-сиѐсий барқарорликни мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллатлараро муносабатларга оид ижтимоий-сиèсий концепцияларнинг назарий-фалсафий моҳиятини очиб бериш; мустақиллик давридаги янги этносиèсий парадигма ва миллатлараро муносабатлар эволюциясини аниқлаш;

шўролар давридаги ғайримиллий сиесатнинг миллатлараро муносабатларга салбий таъсирини асослаш;

мустақиллик давридаги янги этносиесий парадигма ва миллатлараро муносабатлар эволюциясини аниклаш;

миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан

⁴ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиетлар руйхати» да келтирилган.

⁵Бахранов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши конуниятлари. –Самарканд: Зарафшон, 1995. –Б. 12-14. ⁶ Каримов Б. Ойкуменическая теория нации и проблема толерантности в концепциях этнолингволанизма и этносизма // Терпимость: идея и традиции. –Якутск, 1995. –С. 17-24.

⁷Зокиров Ш. Социально-философские вопросы межнациональных отношений в Республики Узбекистан, афтореф. канд. филос. наук. –Тошкент: 2006. –С.7-9.

⁸ Иминов Б.К Манфаатлар – сиесат ва мафкура манбаи. –Тошкент: Минхож, 2002.

⁹ Пўлатов А. Марказий Осиеда этносоциал муносабатлар: назарияси, муаммолари, ечимлари. фалсафа фан. докт... автореферат. –Тошкент, 2002.

¹⁰ Отамуродов С. Миллий муносабатларнинг сиѐсий жихатлари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 1996. ¹¹ Очилдиев А. Миллий гоя ва миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. ¹² Сидиков Б. Некоторые вопросы социокультурной политики государств Центральной Азии (на примере сотрудничества Киргизистана и Узбекистана). –Ташкент: Ёзувчи, 2000.

¹³ Хоназаров К. Единство многонационального народа Узбекистана. –Ташкент: Катартол, 1996. ¹⁴ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиетлар руйхати» да келтирилган.

таклифлар бериш;

миллатлараро муносабатларнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини парадигмал, этносоциал ва этномаданий нуқтаи назардан илмий асослаш;

диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини очиб бериш;

миллий-маданий марказларнинг миллатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги вазифаларини белгилаш;

ўзини ўзи бошқариш органларининг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги фаолият йўналишларини аниқлаш;

миллий ғоя ва маънавиятнинг этномуносабатларни мустаҳкамлашга оид тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараѐнлари.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг этносиèсий, этносоциал ва этномаданий механизмлари. Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс èндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимлилик, қиèсий таҳлил, кузатув, интервью, социологик сўровнома каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полиэтниклик шароитида миллий сиèсат концепциясини яратиш ижтимоий зарурат эканлиги илмий асосланган ва унинг асосий тамойиллари (мультикультурализм, толерантлик, плюрализм, тенг хукуклилик) такомиллаштирилган;

давлат ва фукаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошкариш органларининг этномуносабатларни ривожлантириш механизмлари

(эмпирик, стратегик, тизимлилик) ишлаб чикилган;

этномаданий плюрализм ва этносиесий парадигма миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ижтимоий, сиесий, хукукий негизи эканлиги илмий асосланган;

миллий мафкурадаги тенг хукуклилик, толерантлик, этноплюрализм, мультикультурализм ғояларининг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаши илмий асосланган;

миллий маданий марказларнинг этномуносабатларни консолидациялаштирувчи конструктив институтлар сифатидаги ижтимоий макомини (кўмита еки вазирлик даражасида) ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чикилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистонда полиэтниклик шароитида миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг механизмлари ишлаб чиқилган;

миллатлараро муносабатларни ривожлантириш асосида ижтимоий сиѐсий барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, мустаҳкамлаш механизмларини такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотларининг

9

ушбу йўналишдаги фаолиятини кенгайтириш хамда янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро микèсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиèтда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдикланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ғоялардан, умумлаштирилган илмий хулосалардан этносиѐсат, этномуносабат, этнология, этногенез бўйича ўтказиладиган ижтимоий-фалсафий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин. Илмий хулосалардан фалсафа, этнология, этномаданият, фукаролик жамияти, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиѐти, этнография, этносоциология фанлари бўйича дарслик, ўкув қўлланма, услубий тавсиялар тайѐрлашда, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат ва нодавлат ташкилотлари мутахассисларини тайѐрлаш ва малакасини ошириш марказларида фойдаланиш мумкин. Этномуносабатлар, этносиѐсат ҳақидаги ижтимоий-фалсафий ғоялар, тавсиялар фукаролик жамияти, этносиѐсат, этнология, социология фанини янгича ѐндашувлар билан бойитали.

Тадқиқот натижаларидан миллатлараро тотувликни тарғиб этувчи маданий-маърифий муассасалар, давлат органлари, сиѐсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданий марказлар, таълим-тарбия даргоҳлари, ижодий уюшмалар, маданият уйлари, ассоциациялар ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

10

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ижтимоий фалсафий таклифлар асосида:

миллий сиèсат концепциясини яратишга доир назарий таклифлардан Республика байналмилал маданият марказида ишлаб чикилган Ўзбекистон Республикасининг миллий сиèсат концепциясининг І. «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг бугунги ҳолати»; ІІ. «Давлат миллий сиèсатининг асосий тамойиллари»; ІІІ. «Давлат миллий сиèсатининг мақсад ва вазифалари» бўлимларини тайèрлашда фойдаланилган (Республика байналмилал маданият марказининг 2016 йил 26 декабрдаги 281-сон маълумотномаси). Ушбу назарий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий сиèсат концепциясининг халқаро демократик стандартларга мос равишда ишлаб чикилишига хизмат қилган;

этномуносабатларни ривожлантиришнинг механизмларига доир амалий тавсиялардан Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2016

йилга мўлжалланган иш режасининг 31. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун зарур бўлган услубий тавсиялар тайерлаш»; 33. «Фукаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий ахлокий тарбия масалалари бўйича маслахатчиларининг ишини самарали ташкил этишнинг тартиб-таомиллари»; 41. «Махаллаларда хукукбузарлик, миллатчилик, диний экстремизм, акидапарастлик мафкураси, миссионерлик каби салбий иллатларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чикиш» бандларини тайерлашда фойдаланилган (Республика «Махалла» 30 ноябрдаги 02-02/591-сон фондининг 2015 йил хайрия жамоат маълумотномаси). Натижаларнинг амалиетга жорий этилиши купмиллатли махаллалардаги тадбирларни эмпирик, стратегик, тизимлилик асосида ташкил этиш имконини берган;

этносиесий парадигма миллатлараро муносабатларни ижтимоий, сиесий, хукукий негизи эканлиги ривожлантиришнинг борасидаги назарий таклифлардан Республика Маънавият тарғибот маркази 2016 йил иш режасининг 4.31. «Мамлакатимизда истикомат килаетган турли миллат ва элат вакиллари иштирокида жойларда «Қудратимиз – бирлик ва хамжихатликда», «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Биз бир замин ва бир фарзандларимиз» мавзуларида республика илмий-амалий замон анжуманлари, давра сухбатлари ва дўстлик учрашувларини ташкил этиш» тайерлашда фойдаланилган (Республика Маънавият тарғибот марказининг 2016 йил 16 декабрдаги 01/04-808-сон маълумотномаси). Мазкур назарий таклифларнинг амалиетта жорий этилиши жамиятда миллатлараро тотувлик, диний багрикенглик, этномаданий плюрализмни ривожлантиришга хизмат қилган;

миллий мафкурадаги тенг хукуклилик, толерантлик, этноплюрализм, мультикультурализмнинг миллатлараро муносабатларни мустахкамлашига оид таклифлардан Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил учун ишлаб чиқилган иш дастурининг 5. «Миллий ғоянинг инновацион технологиялари ва èшларни байналмилал рухда

11

тарбиялашнинг замонавий усуллари»; 53. «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий сиѐсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида эришган ютуқларни тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш» бандларини тайѐрлашда фойдаланилган (Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 15 октябрдаги 245-сон маълумотномаси). Бу турли миллат ѐшлари онгига байналмилаллик, толерантлик, этноплюрализм, мультикультурализм ғояларини сингдириш имконини берган;

миллий маданий марказларни миллатларни консолидациялаштирувчи конструктив институтларга айлантириш юзасидан билдирилган таклифлардан Республика байналмилал маданият маркази 2016 йил иш режасининг «Ўзбекистон - ягона Ватан», «Ягона замин — ягона такдир», «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил

оила», «Биз сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!», «Ўзбекистон мустақиллиги — миллатлараро муносабатлар ривожида янги давр», «16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик куни» бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика байналмилал маданият марказининг 2016 йил 26 декабрдаги 282-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиѐтга жорий этилиши республикамизда этномуносабатларни консолидация лаштирувчи конструктив институтларнинг шаклланишига ҳамда ижтимоий сиѐсий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ҳизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа лари, жумладан, 7 та халқаро, 27 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58 та илмий иш чоп этилган, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиетлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 234 бетни ташкил этади.

12

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиѐтга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Миллатлараро муносабатларни тадқиқ этишнинг назарий-методологик масалалари» деб номланган биринчи бобида «этнос» ва «миллат» тушунчалари, уларнинг генезиси, миллатлараро муносабатларга

оид ижтимоий-сиèсий, фалсафий-илмий концепциялар таҳлили, глобаллашув шароитида миллатлараро муносабатлар ва этномаданий плюрализмнинг ижтимоий-сиèсий мазмуни ҳамда уларни туркумлаштириш тамойиллари назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.

Этнос, этник бирлик муаммоси доирасида примордиалистик, инструменталистик ва конструктивистик ѐндашишлар, улар ўртасидаги баҳс мунозаралар устувор аҳамият касб этади. Уларни этник феноменни англаш нуқтаи назаридан примордиалистик, инструменталистик ва конструктив ѐндашувларга ажратиш мумкин.

Диссертацияда примордиалистик концепция доминант сифатида ўрганилган. Унда «этнос» ва «миллат» тушунчаларининг субстанционал ва экзистенциал еки тарихий илдизларини тахлил этиш, локал ижтимоий гурухни инсониятнинг бошланғич уюшмаси сифатида талқин қилиш устувор ахамият касб этади.

Миллатлараро муносабатлар, этнос, миллат кейинги пайтларда этнология, этнопсихология, этносиесат ва этномаданият кенг мухокама килаетган мавзуларга айланди. Уларнинг мохиятини еритишда аксарият холларда бир томонлама ендашувни куриш мумкин. Бирок уларга факат сиесий кизикишлар воситаси сифатида караш еки этногенез хусусиятларига боғлаб куйиш, факат улар доирасида тахлил қилиш, бизнингча, туғри ендашиш эмас.

Агар улар сиесий жараенлар, айникса, сиесий максад билан боғлаб қўйилса, тадқиқотчининг қандай фикрларни билдириб, қандай хулосаларга келишини олдиндан айтиш мумкин бўлиб қолади, натижада тадқиқот объектининг реал холатига нообъектив ендашиш, хатто фалсификацияни юзага келтириши мумкин. Бу холда апостреори қонунлари бузилади, яъни тайер фикрлар, постулатлар миллатлараро муносабатларга боғлаб қуйилади. Агар миллатлараро муносабатлар этногенезга боғлаб қўйилса, ретроспектив тахлил билан чекланса, объектнинг ижтимоий-фалсафий мохияти, динамик Бизнингча, хусусияти эътибордан миллатлараро четла колади. муносабатларни, уларнинг субстанционал асослари бўлмиш «этнос» ва кенг ижтимоий-фалсафий вокелик сифатида «миллат» тушунчаларини ўрганиш лозим.

13

Миллатлараро муносабатларни этносиèсий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун миллатлараро муносабатларга оид илмий-фалсафий концепцияларни таҳлил ҳилганда сиèсий омилнинг етакчи ўринга чиҳишини эътироф этиш лозим. Чунки, ижтимоий муносабатлар, жумладан, миллатлараро муносабатлар ҳам тасодифий кечадиган ҳис-туйғулар ифодаси эмас, балки улар этносларнинг, миллатларнинг туб манфаатларини, ҳаèт тарзи, менталитети, маданияти, ижтимоий борлиҳдаги ўрнини ифода этадиган ижтимоий ҳодисалардир.

Адабиетларни ўрганиш миллатлараро муносабатларга оид илмий назарий концепцияларни куйидагича таснифлаш имконини беради: этатистик

концепциялар. Уларда давлат миллий сиèсат ва миллатлараро муносабатларнинг асосий субъекти сифатида қаралади. Уларни, айниқса, юрист ва сиèсатшунослар кенг қўллаб-қувватлайдилар. Бугун кучли давлат миллий сиèсат, миллий муносабатларни барқарорлаштирувчи ва деструктив кучларни бартараф этувчи ягона куч, деган ғояни таниқли файласуф ва сиèсатшунос Ф.Фукуяма кенг тарғиб этмокда¹⁵.

Этнологик концепциялар. Уларда миллий сиѐсат ва миллатлараро муносабатлар этнологик ва антропологик нуктаи назардан таҳлил қилинади. Этносоциал концепциялар. Уларга халқ, миллат ва уларнинг ранг баранг ижтимоий ҳаѐт соҳаларидаги ўрни, ижтимоий муҳит ҳамда муносабатлар орқали миллатларнинг интеграциялашуви, ижтимоийлашуви масалаларини тадқиқ этиш хос.

Этномаданий концепциялар. Уларда миллатлараро муносабатларни ўрганишда миллатнинг, халкнинг тил, турмуш тарзи, урф-одатлари, характерига оид хусусиятлари, мулоқот маданияти, кийиниши каби белгиларга Айнан этномаданий белгилар эътибор каратилади. ушбу этноснинг асосий ижтимоий хусусиятлари сифатида миллатлараро муносабатларга таъсир этади. Хеч бир миллат ушбу белгиларисиз яшаши, мавжудлиги, ички ва ташки сиесатдаги ўрнини тасаввур этолмайди.

Этнопсихологик ѐндашув. Ушбу концепцияда асосий эътибор миллий хусусиятларга, менталитет, миллий характер, миллий дунѐқараш, индивидуаллик ва жамоавийлик, мулоқот усулларига, у ѐки бу қадриятларга муносабат, идентификация ва ижтимоийлашув, беғамлик ва агрессивлик, адаптация ѐки инновацияга мойиллик каби маънавий-рухий масалаларга қаратилади.

Ирқий-этноцентризм. У ўз этник гурухини, унинг қадриятлари, эътикоди, маданиятини бошқа этник бирлашмалардан фарқлашга қаратилган оқим, қараш, назариядир.

Трансцендентал ендашувлар. Уларга миллатни, халқни илоҳийлаштириш, яъни уларнинг генезисини, ижтимоий-сиесий борликдаги ўрни ва функцияларини «реалликдан ташқарида» излаш хос. Мультикультурация ғояси. У моҳиятан этномаданий концепцияга яқин,

14

аммо у чет элларда яшаетган маълум бир субъектив сабабларга кўра, титул миллат маданиятига сингиб кетолмаетган этник гурухларнинг маданий ассимляциялашувини ўрганади.

Бугунги кунда полиэтник давлатларда миллатлараро муносабатларни бир концепция доирасида тадқиқ этиш унчалик тўғри эмас. Чунки ижтимоий тараққиет полиэтник жамиятларда турфа хиллик белгиларини ўзида намоен қилмоқда. Шу боис этномуносабатларни поликонцепционалистик нуқтаи назаридан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Глобаллашув айрим этнос, миллат ва давлат хохишига риоя этадиган

⁻¹⁵ Фукуяма Ф.Сильное государство: управление и мировой порядок в XXI веке. –Москва: АСТ, 2006.

вокелик эмас, у умумпланетар, ихтиерий интеграциянинг ифодаси. Бирок бу миллий манфаатларни, этномаданий анъаналар ва кадриятларни менсимасликка, йўк килишга олиб келмаслиги лозим.

Бизнинг фикримизча, глобаллашувнинг миллатлараро муносабатлар барқарорлигига кўрсатаетган салбий таъсири қуйидаги йўналишларда намоен бўлмокда:

биринчидан, глобаллашув юзага келтирган имкониятлардан фойдаланишда кескин тафовутлар мавжуд. Мазкур жараѐн, аввало, кудратли давлатларга ўз геосиѐсий манфаатларини қондиришда улкан афзалликларни юзага келтирмокда;

иккинчидан, иктисодий қудратли миллатларнинг жихатдан глобаллашув жараени вужудга келтирган имкониятларга таянган холда иктисодий дастаклар хамда информацион технологиялар ердамида ўз кадриятлар тизимини миллатлар турмуш тарзига ўзга сингдиришга уринаеттани, табиий равишда, норозилик кайфиятларини уйготиб, мазкур вакилларида салбий муносабатларнинг шаклланишига сабаб миллат бўлмоқда;

учинчидан, глобаллашув миграцион жараѐнларни кучайтириб юборди. Натижада, дунѐ давлатлари тобора кўпмиллатли характер касб этиб бормокда. Муайян мамлакатларда чет элликларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига қарши титул миллатларда ўз устунлигини сақлаб қолиш учун фавкулодда чоралар қўллаш даъватлари, миллатчилик кайфиятлари кучайиши кўзга ташланмокда;

тўртинчидан, глобал микѐсдаги уйғунлашув, «бир хил одатлар, умумий принциплар бўйича яшаш, умумий қадриятларга асосланиш, бир хил анъаналарга ва ахлоқ нормаларига бўйсуниш, қоидаларни бирхиллаштиришга интилиш» миллий турмуш тарзи, миллий маънавиятларнинг емирилишига олиб келмоқда;

бешинчидан, глобаллашув жараѐни оқибати ўлароқ, мавжуд стереотип ва қадриятларнинг шиддат билан қадрсизланиши ва янгиларининг шаклланиш цикли тобора қисқариб бормоқда. Оқибатда, миллионлаб кишилар бир неча хил қадриятлар тизими оралиғида, эътиқод қўйган қадриятларининг қадрсизланиши шароитида ўз маънавий-рухий ўзлигини қайта ва қайта кашф этишдек рухий азоблар гирдобида қолмоқда. - 16 қобилов Ш. Глобаллашув ва хавфсизлик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 12 б.

15

Диссертацияда юқоридаги этносиèсий жараèнлар аниқ мисоллар билан таҳлил қилинган. Дунè ҳаритасида юз бераèтган глобаллашувнинг этносоциал муносабатларга зиддиятли таъсири очиб берилган. Диссертация ҳулосаларига кўра, бирор давлатда глобаллашувга мувофиқ келадиган этносиèсий дастур ишлаб чиқилмаган. Миллий масалаларда ҳаос юзага келган.

Илмий тадқиқотнинг «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар шаклланишининг ижтимоий-сиесий жиҳатлари» деб

номланган иккинчи бобида шўролар давридаги миллий сиѐсат ва унинг миллатлараро муносабатларга таъсири, мустақиллик даврида янги этносиѐсий парадигма ва миллатлараро муносабатларнинг ривожланиш омиллари, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни очиб берилган.

Шўролар даврида олиб борилган ғайримиллий сиѐсат этномаданий хаѐтга салбий таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Сталин рахбарлигида амалга оширилган репрессия, энг аввало, зиѐлиларга қаратилган. Бу ўринда Файзулла Хўжаев, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Фитрат, Чўлпон каби халқимиз фарзандларининг фожиали тақдирларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сталин бошқаруви йилларида Ўзбекистонда 41 минг одам қамоққа олинган. Шулардан 37 мингдан ортиғи судланган ва 9620 нафари отиб ташланган¹⁷. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин¹⁸.

Ўша йиллардан бошлаб, кичик миллатлар расмий рўйхатлардан ҳам тушириб қолдирилган. Сталин Советларнинг 8-съездида қилган нутқида Иттифокда 60 та миллат борлигини санаб ўтади. Ваҳоланки, ўша даврда Иттифокда 200 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилган.

Умумлаштириб айтганда, шўролар даврида этносиесат барча халқлар ва элатларни руслаштиришга, «русификациялаштириш»ни оқлаш, ушбу сиесатнинг аполегетлари орқали тарихий тараққиет қонунларига зид тарзда миллий масалаларга тула барҳам беришга қаратилган эди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда шаклланган янги этносиèсий парадигма ҳақиқий байналмилалликка, умуминсоний қадриятларга асосланган, ғайримиллий èндашувдан холи муносабатларга қурилмоқда. Бу шўролар этносиèсатидан тубдан фарқ қиладиган парадигмадир. Унинг имманент хусусиятлари:

- шўролар давридаги ғайримиллий сиесатдан, сиесий-синфий ендашувдан воз кечиб, улар ўрнига ҳақиқий байналмилал, умуминсоний қадриятларга асосланган, янги муносабатни қарор топтириш;
- юзага келган этник қарама-қаршиликлар ва низоларни тезлик билан ҳал этиш;

16

- республикадаги полиэтник ижтимоий мухитни сақлаб қолиш ва миграция жараенларини оқилона бошқариш механизмларини яратиш; демократик хуқуқий давлат қуриш асосида этномуносабатларда тенг хуқуқлиликни таъминлаш;
- этномаданий алоқалар ва миллий маданиятларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиб, уни ҳаѐтга жорий этиш;

^{- 17} Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Тошкент: Ибн Сино, 1998. - 101 с.

¹⁸ Хидоятов Г. Национальный вопрос в СССР. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991; Атамуратов С. Национальное самосознание и итернациональное воспитание. –Тошкент: Ўзбекистон, 1991; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Тошкент: Маънавият, 2008; Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва хозирги замон. Илмий-амалий анжуман. –Тошкент: Университет, 2003 ва б.

- Марказий Осиè минтақасидаги этномуносабатларни ҳал этишга қаратилган Ўзбекистоннинг миллий сиèсат концепцияси ва минтақавий геосиèсат асосларини яратиш;
- халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида жаҳонда содир бўлаетган этножараенларга ўз ендашувини билдириш, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга оид тавсиялар, маслаҳатлар ва амалий ердамлар беришда намоен бўлади.

Республика «Ижтимоий фикр» маркази социологик суровномаси натижалари кўрсатадики, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлардаги барқарорликка фукароларимизнинг ишончи йилдан йилга ошиб бормоқда. 2006 респондентларнинг 47,5 Агар йили фоизи миллатлараро муносабатлардаги баркарорликка ишонч билдирган бўлса, у 2007 йили – 48,4%, 2008 йили -46,4%, 2009 йили -59,5%, 2010 йили -54,8%, 2013 йили 66,3%, 2016 йили эса 72,1% га кутарилган. Шу билан бирга респондентлар давлат ва жамоат ташкилотлари фаол ишламаетганлигини хам қайд этишган. Уларнинг 2006 йили -32,8%, 2007 йили -30,5%, 2008 йили -36,3%, 2009 йили — 26,6%, 2010 йили — 28,7%, 2013 йили — 26,8%, 2016 йили — 20,0 фоизи давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш даркор, деб кўрсатганлар¹⁹. Демак, жамиятимизда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш борасида, тенг хуқуқлиликни амалда таъминлашда муайян муаммолар хам мавжуд. Бу, энг аввало, фукароларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга, сиесий-ижтимоий хаетга кенг жалб этиш билан боғлиқ.

Миллий маданиятларни ривожлантириш кўпрок тил масаласига бориб такалади. Янги этносиесий парадигма республикамизда яшаетган миллат ва элат вакилларининг миллий тилларини кўллаб-кувватлашни ўз вазифасига айлантириб, этномаданий плюрализм томон кенг йўл очмокда.

Махсус тадкикотлар кўрсатадики, янги этносиесат ҳақида ижобий фикр шаклланган. Бу борада салбий фикр билдирганлар сони йилдан-йилга камайиб бормокда. Яъни, бундай фикр билдирганлар 2003 йилда 10% ни ташкил этган бўлса, кейинчалик у 3,1% га тушган²⁰.

Тўғри, мазкур кўрсаткичлар кейинги йилларда бир оз ўзгаргани кузатилади. Лекин миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик мавжудлигини кўпчилик (90 %) эътироф этишади²¹.

17

Диссертацияда янги этносиèсий парадигма ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда куйидаги масалаларга алохида эътибор бериш кераклиги таъкидланган:

^{- 19} Убайдуллаева Р. Общественное мнения: диалог между обществом и государством // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари, 2014. 1-сон. -17 б; «Народное слово» №49, 10.03.2017.

 $^{^{20}}$ Убайдуллаева Р. «Узбекистан: 15 лет незавизимости» (по результатам социологического опроса) // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари №3. —Тошкент: Илмий - ахборот нашри, 2006. -16 б. 21 Убайдуллаева Р. Общественное мнения: диалог между обществом и государством // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари, 2014. 1-сон. -18 б.

хамкорлик — миллий юксалиш асоси», «Ўзбекистон — бағрикенг диер» ғояларини қарор топтириш;

- миллатлараро муносабатларни махсус ўрганиш уларга таъсир этишнинг самарали механизмлари мавжудлигини кўрсатмокда; миллатлараро муносабатларга маданий-маънавий мероснинг татбик этилиши муаммога янгича қарашни шакллантирмокда. Бу қараш негизида ворисийлик ва янгилик, анъанавийлик билан инновация диалектикасига таяниш зарур;
- янги этносиèсий парадигмада миллатлараро муносабатларда тенг хукуклиликни таъминлашга мухим ўрин ажратилганлигини мудом эсда сақлаш даркор.

Миллий-этник жараенлар кечаетган жамиятда ислохотлардан, ижтимоий муносабатлар ва демократик ўзгаришлардан алохида рўй муносабатлар бермайди, миллатлараро умумижтимоий вокеликнинг таркибий қисми сифатида улар билан бирга трансформацияга учрайди, янги касб Фукаролик этади. институтлари шакл ТRИХОМ ривожланишининг йўналишларини белгилаб берганидек, уларнинг ўзи хам муносабатларнинг шунингдек, миллатлараро Ижтимоий жараенлар билан миллий-этник муносабатлар ўртасидаги мазкур диалектик боғлиқлик хеч қачон текис, хамма этносларда айнан ўхшаш кечмаган.

Шунинг учун диссертацияда:

- миллатлараро муносабатлар жамиятнинг сиèсий-ҳуқуқий барқарорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, у, ўз навбатида, этник мувозанат ва ижтимоий тараққиèтни таъминлаши;
- жамиятда ҳар бир миллатнинг урф-одат, анъана, қадриятлари сингари ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу нарсалар бошқалардан ҳурмат ва эътиборни талаб этиши;
- жамиятда маънавий дунѐқарашнинг пастлиги, яъни бошқа миллатга нисбатан ўз миллатини устун қуйиш, ўзга урф-одат, маданият ва анъаналарни менсимаслик ҳам миллатлараро муносабатларга салбий таъсир курсатиши;
- фукаролик жамиятининг истиқболини таъминлаш учун миллий маданий марказлар ва миллий типдаги ташкилотлар фаолиятини умумдавлат ва умумхалқ манфаатларига мувофиклаштириш ҳамда уларни миллий биқикликдан умумтараққиѐт томон йўналтириш лозимлиги;
- демократик жамиятда миллатлараро муносабатларда мувозанатни таъминлашда ҳар бир миллатга хос этнопсихологияни инобатга олиш даркорлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «Ижтимоий барқарорлик миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили» деб номланган учинчи бобида ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро муносабатларни

18 детерминантлаштирувчи омиллар тизими, Марказий Осиеда миллатлараро муносабатларнинг миллий ва минтакавий хусусиятлари, диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масалалари тадқик

этилган.

Диссертацияда ижтимоий барқарорлик эволюцион ривожланишнинг шарти экани кўрсатилган. Ижтимоий барқарорлик консерватизм, турғунлик ортодоксал унга èндашишлар тўғри келмайди. йиомитжИ эмас, барқарорликка эклектик вокеа-ходисаларни, гохо èндашишларни уйғунлаштириш хос бўлса-да, у жамиятда кечаетган перманент алоқаларни мутлақлаштирмайди, балки ушбу алоқаларга хам ички зиддиятлар хослигидан келиб чикади.

Диссертацияда қуйидагиларга алохида эътибор бериш қайд этилади: – миллатчиликнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларини бартараф этишда зиѐлилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- сохта миллатпарварлик ғояларига қарши миллатнинг туб ва тараққиѐт манфаатларига мос юксак инсоний фазилатлар, қадрият ва маданиятни акс эттирган конструктив ғояларни яратиш ҳамда илгари суриш;
- шовинизм, иркчилик, фашизм каби вайронкор ғояларга қарши кураша оладиган бунедкор ғояларни тарғиб қилувчи марказлар фаолиятини рағбатлантириш;
- миллатни тил, худуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омилларни ижобий мақсадларга йўналтиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;
- миллат шаклланишида фукароларнинг ўзлигини англаш даражасига оид ижтимоий-сиесий ва хукукий ислохотларни янада такомиллашган боскичга олиб чикиш;
- миллатлараро муносабатларни ижобий мақсадлар йўлида шакллантириш борасида таълим тизими, оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бошқа шу каби муассасаларга тааллуқли инновация ҳамда тараққиѐт дастурларини шакллантириш;
- миллатлараро муносабатлар хавфсизлигига тахдид солувчи ахборий психологик хуружларга қарши мустаҳкам бунѐдкор ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни жамият ҳаѐтига татбиқ этиш;
- кўпмиллатли давлатларда қонунчилик сиѐсати динамикасини ўрганиб бориш ва керакли таклифлар бериб бориш;
- миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаро онги, ҳаѐтининг мазмуни ва кундалик турмуш тарзига ҳамжиҳатлик ғоясини сингдириш.

Диссертацияда Марказий Осиè минтақасида кечаèтган миллатлараро муносабатларни қуйидаги йўналишларда тадқиқ этиш мумкинлигига эътибор каратилган:

биринчи йўналиш. Марказий Осиедаги миллатлараро муносабатлар, ижтимоий-тарихий анъаналар, минтака халкларининг кадимги кон кариндошлик алокаларини давом эттириш, уларни янги ижтимоий-сиесий реаллик талабларига мувофик мустахкамлаш.

яқинлиги билан боғлиқ. Айнан ушбу йўналишда ҳал этилиши зарур ва мураккаб бўлган муаммолар мавжуд.

Учинчи йўналиш. Марказий Осиè давлатларининг ижтимоий иктисодий инфраструктураси бир-бирига боғлиқ бўлгани учун улар ўзаро иктисодий интеграцияни чукурлаштиришга интилади. Иктисодий интеграцияни чукурлаштириш, ўз навбатида, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш гаровидир.

Тўртинчи йўналиш. Араб-мусулмон дунесида руй бераетган ўзгаришлар ва ислом омилининг кучайиши билан боғлиқ.

Шу билан бирга, жуғрофий-худудий муаммолар ҳеч қачон миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишдан чеккада қолмайди. Дунѐда табиий бойликлар учун кураш, рақобат кечаѐтган экан, табиий ресурсларга бой ўлкалар, ҳудудлар турли манфаатларнинг тўқнашуви учун майдон, низолар ўчоғи бўлиб қолади. Бу омил жуғрофий-ҳудудий муаммоларни фақат миллий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳал этишга ундайверади.

Маълумки, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда диннинг ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда динга нисбатан, асосан, икки ендашув мавжуд: биринчиси, дин инсон фаолиятига, онги ва интеллектига боғлиқ бўлмаган, трансцендентал вокелик, иккинчиси, у инсон аклу идроки, рационал изланишларининг бир кўриниши, деб хисоблашдир²². XXI асрга келиб, ушбу икки ендашувнинг маданий қадриятлар умумийлиги негизида бир-бирига яқинлашиши рўй бера бошлади. Мехр-мухаббат, орзу-умид, дуне, адолат, тенглик, оқибат, эзгулик, иноқлик ва бағрикенглик каби тушунчалар универсал ахамият касб этиб, диний хамда дуневий илмларни уйғунлаштиришга асос яратди.

Диссертацияда диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсири қуйидагиларда намоен булиши асосланған:

- биринчидан, дин ва диний қадриятлар этносиèсий парадигмага қарши чиқмайди, балки ривожланишни таъминлашга ўз восита ва усуллари билан èрдам беради. Этносиèсий парадигманинг стратегик мақсади жамиятнинг барча аъзолари, шу жумладан, динга эътиқод қилувчилар, конфессиялар, диний ташкилот аъзоларига ҳам дахлдор;
- иккинчидан, Ўзбекистон дунѐвий демократик, ҳуқуқий давлат, унда дин давлатдан ажратилган, дин давлат ишларига аралашмаганидек, давлат ҳам диний идоралар, ташкилотлар ички ишларига аралашмайди. Бироқ бу дин ва диний идоралар, эътиқод қилувчилар истаган ишини қилиши, давлат ва жамият ҳаѐтига индиферент муносабатда бўлиши мумкин, деган фикрга олиб келмаслиги зарур;
- учинчидан, халқлар, миллатлар иноқ яшаганида, стратегик мақсадни ўзининг ҳаѐтий мақсади сифатида қабул қилганида ижтимоий тараққиѐтни таъминлаш мумкин;

⁻²² Религия и общество. Хрестоматия по социологии и религии. –Москва: АСПЕКТ-ПРЕСС, 1996. –С. 6-7.

- тўртинчидан, полиэтник давлатларда этномаданий плюрализм ва табиий хол хисобланади. Этномаданий плюрализм билан ижтимоий политеизмни муросада ушлаб туриш, уларни тараққиет манфаатларига хизмат килишини таъминлаш этносиесий парадигма зиммасидаги мураккаб вазифалардан бири;
- бешинчидан, диний бағрикенглик деструктив гуруҳларга, фундаментализм ва терроризмга хушомад, èн босиш эмас, у мудом хатти ҳаракатлар ҳамда ғоявий қарашларни ижобий èки салбий характерга эга эканини ажрата оладиган воқелик;
- олтинчидан, миллатлараро муносабатларда динга, диний қадриятларга таяниш виждон эркинлиги орқали таъминланади. Қайси динга эътиқод қилиш, қандай диний қадриятларни эъзозлаш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш шахснинг конституцион ҳуқуқи;
- еттинчидан, миллатлараро муносабатларда дин ва диний ташкилотлар тўплаган тарихий-маданий, ижтимоий-ахлокий тажрибалардан фойдаланиш ҳар икки томон, айниқса, ижтимоий тарақкиет учун конструктив аҳамиятга эга. Лекин этносиесий парадигма динда консерватив ва догматик унсурлар ҳам борлигини, улардан деструктив кучлар фойдаланишга интилаетганини унутиши мумкин эмас.

Республикамизда истикомат килувчи турли дин вакиллари ўртасида ва инсон эркинликлари устуворлигига асосланган хукуклиликнинг мавжудлиги хамда конфессиялараро хамкорликнинг яхши қўйилганлиги мамлакатимизда ижтимоий барқарорликка яратмоқда. Давлатимизнинг динга «инсон эътикодсиз яшай олмайди», деган тамойил асосида муносабатда бўлиши хам конфессиялараро муносабатларни соғломлаштиришга хизмат қилади. Конституциямизнинг 31-моддасида: «Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон хохлаган динга эътикод килиш еки хеч кайси динга эътикод килмаслик хукукига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»²³, деб белгилаб қўйилган.

Диссертацияда дуневий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодалайдиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Унга мувофик: биринчидан, давлат асосий конуни оркали динга карши сиесат юргизмасликни ўз зиммасига олади;

иккинчидан, эътикод қилиш èки қилмаслик ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлиги эътироф этилади;

учинчидан, юқоридаги икки асосий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда ва жамиятда эътиқодий муносабатларни тартибга солиш ҳамда уни таъминлаш учун давлат диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қуймасликни кафолатлайди.

Республикамизда 16 диний конфессия ва 2200 дан ортик диний ташкилот фаолият олиб боради. Мазкур ташкилотлардан 1875 таси ислом динига, 33 таси рус православ черковига, 24 таси Евангель христиан-

баптистлар Иттифокига, 22 таси Евангель Пол христиан черковига, 4 таси Евангель- лютеран черковига, 11 таси еттинчи кун адвинтислар черковига, 5 таси Рим-католик черковига, 1 таси Арман-апостол черковига, 7 таси Бахай ишонч уюшмасига, 2 таси Кришна жамиятига, 2 таси иеговларга, 8 таси иудея жамоасига, 60 таси протестантлар черковига, 1 таси Ўзбекистон Библия жамиятига, 1 таси «Голос Божий» жамоасига ва яна 1 таси Будда ибодатхонасига тегишлидир²⁴.

Республикамизда юқоридаги конституциявий тамойилларга амал қилинаèтганини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1990–2016 йиллар мобайнида дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 54 та қарори қабул қилинган.

